

## МУҲАРРИР МИНБАРИ



### *Хайрли кун, азиз ўқувчилар!*

*Эътиборингизга журналимизнинг навбатдаги сонини тақдим этмоқдамиз. Бу сафар ҳам у турли материалларга янада бой бўлди. Унда замонавий филология фанининг кўпгина йўналишлари ўз аксини топди. Жумладан, “Тил назарияси” рукнида XVII аср рус тилини ўрганишга бағишланган Россия элчиларининг Бухоро ва Хива билан ёзишмалари, хужжатлари, илтимосномалари асосидаги мақолаларни, шунингдек, мамлакатимизда фойдаланилган расмий ёзма тиллар ҳақида ўқишингиз мумкин.*

*Немис тилининг грамматик ва лексик хусусиятларини ўрганишга бағишланган бешта мақола журналнинг ушбу сонидан ўрин олган. Қолаверса, ўқувчилар семантик деривация назарияси мақоласининг материаллари билан танишишдан манфаатдор бўладилар, деб ўйлаймиз.*

*Когнитив-дискурсион ёндашув тил материалларини ўрганишда туркум мақолаларда, тилда замон концептининг таҳлилидан бошлаб, стилистикага қадар, шу жумладан, адабий матннинг метафорик бирликлари, адресантнинг лингвистик ўзлигини ифодалашда кенг ишлатилган.*

*Ушбу сонда лингводидактика ва хорижий тилларни ўқитиш методикаси бўйича мақолалар ҳам муҳим ўрин эгаллади. Бу борада ўқитувчиларнинг компетенцияси масалалари, CEFR ва тилларни ўқитиш технологияси муҳокама қилинди.*

*Бизнинг фикримизча, мазкур соннинг журналистика, адабиёт ва маданият бўлимлари ҳам жуда қизиқарли материалларга бой бўлди. Хусусан, “Ўзбек тилига таржима” рукнида “Баҳолаш” ва “Чет тилини билишнинг Умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш”нинг 9-бобини ҳамда Тюмен давлат университетидан ўтказилган гуманитар таълимнинг истиқболли йўллари халқаро форумининг баъзи материалларини тақдим қилмоқдамиз.*

*Сизга фойдали ва қизиқарли мурожаат тилаймиз!*

**Бош муҳаррир  
Гулмира ШУКУРОВА**